



АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Рахмонова Сарвиноз

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0003-1040-8085
sarvinoz.rahmonova1990@gmail.com*

Аннотация. Глобаллашув шароитида агросаноат тармоғининг барқарор ривожланиши ва ташқи бозорларда рақобат устунлигини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Мазкур мақолада агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг концептуал ва назарий асослари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Шу нуқтаи назардан, мақолада агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий омиллар институционал муҳит, ресурс салоҳияти, инновацион ривожланиш, инсон капитали ва давлат иқтисодий сиёсати таъсири назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: агросаноат мажмуаси, агросаноат ишлаб чиқариши, рақобатбардошлик, аграр иқтисодиёт, минтақавий ривожланиш, институционал муҳит, ресурс салоҳияти, инновацион ривожланиш, инсон капитали, аграр сиёсат, агробизнес, агросаноат, рақобат устунлиги.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА

Рахмонова Сарвиноз

*Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете*

Аннотация. В условиях глобализации вопросы устойчивого развития агропромышленной отрасли и обеспечения конкурентных преимуществ на внешних рынках приобретают особую актуальность. В данной статье комплексно проанализированы концептуальные и теоретические основы конкурентоспособности агропромышленного производства. С этой точки зрения в статье теоретически рассмотрено влияние основных факторов, формирующих конкурентоспособность агропромышленного производства, институциональной среды, ресурсного потенциала, инновационного развития, человеческого капитала и государственной экономической политики.

Ключевые слова: агропромышленный комплекс, агропромышленное производство, конкурентоспособность, аграрная экономика, региональное развитие, институциональная среда, ресурсный потенциал, инновационное развитие, человеческий капитал, аграрная политика, агробизнес, агропромышленность, конкурентное преимущество.

CONCEPTUAL AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE COMPETITIVENESS OF AGRO-INDUSTRIAL PRODUCTION**Rakhmonova Sarvinoz***Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics*

Abstract. *In the context of globalization, the issues of sustainable development of the agro-industrial sector and ensuring competitive advantages in foreign markets have become increasingly relevant. This article provides a comprehensive analysis of the conceptual and theoretical foundations of the competitiveness of agro-industrial production. From this perspective, the article theoretically examines the influence of the main factors shaping the competitiveness of agro-industrial production, including the institutional environment, resource potential, innovative development, human capital, and state economic policy.*

Keywords: *agro-industrial complex, agro-industrial production, competitiveness, agricultural economics, regional development, institutional environment, resource potential, innovative development, human capital, agricultural policy, agribusiness, agro-industry, competitive advantage.*

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида агросаноат мажмуасининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари стратегик аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аграр ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни жорий этиш ва агробизнес субъектларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш орқали агросаноат ишлаб чиқаришининг рақобат устунлигини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса агросаноат тармоғининг институционал муҳитини такомиллаштириш ва инсон капитали салоҳиятини ривожлантиришни талаб қилади.

Бугунги кунда жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожланишни рағбатлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини таъминлашда ресурс салоҳияти, институционал муҳит, инновацион инфратузилма, инсон капитали ва давлат иқтисодий сиёсатининг ўзаро таъсирини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Рақобат курашининг кучайиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви билан биргаликда, уларнинг нархлари ҳам арзонлашиб боради. Бу эса рақобат курашининг кучайиши истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий натижа беришига далолат қилади (Головачев, 2010).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда агросаноат тармоғини модернизация қилиш, агробизнесни қўллаб-қувватлаш ва аграр соҳада бозор механизмларини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, агросаноат кластерларини ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг концептуал ва назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда уни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган минтақавий иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари уларнинг ихтисослашув даражасини кучайтириш орқали яхлит миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшилашга қаратилган ҳисобланади. Умуман олганда, иқтисодий адабиётларда бугунги кунга қадар рақобатбардошлик иқтисодий категориясининг туб моҳиятини ёритишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар томонидан олинган хулосалар тадқиқот объектдан келиб чиққан ҳолда шаклланишини кўришимиз мумкин. Жумладан, Америка иқтисодий мактабида: Портер томонидан миллий рақобатбардошлик концепцияси ишлаб чиқилган;

Энрайт томонидан минтақалар ва минтақавий кластерлар рақобатбардошлиги концепцияси асосланган.

Британия иқтисодий мактабида:

-Ж. Даннинг томонидан «ОЛИ-парадигмаси» (OLI-paradigm) илгари сурилган;

-Р. Карлинский ва Х. Шмицлар томонидан М. Портернинг «рақобат устунлиги» назарияси такомиллаштирилиб, унинг қўшилган қиймат билан боғлиқлик концепцияси ишлаб чиқилган;

-К. Фримен томонидан технико-иқтисодий парадигмалар концепцияси асосланган.

Скандинавия иқтисодий мактабида эса:

-Б.-О. Лундвалл ва Б. Йонсонлар томонидан миллий инновациялар тизими ва таълим иқтисодиёти концепцияси ишлаб чиқилган;

-Б. Аскхайм ва А. Изаксенлар томонидан минтақавий таълим (ўрганиш) иқтисодиёти концепциялари ишлаб чиқилган.

Ҳозирда республикамизда ҳам “Рақобат назарияси” танлов фани сифатида ўрганилмоқда. Бунда Яхшиева (2019) томонидан тайёрланган “Ҳозирги замон рақобат назарияси”, Бабабекова ва Турсуновлар (2020) томонидан ёзилган “Рақобат назарияси” ўқув қўлланмаларида рақобат категорияси билан биргаликда рақобатбардошлик категориясини ўрганишга ҳам алоҳида диққат қаратилган.

Юқорида келтирилган олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар иқтисодий адабиётда рақобатбардошлик концепциясининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи фундаментал илмий изланишлар қаторига киради.

Ушбу мақолада рақобат шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштиришга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, маҳсулот рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан минтақавий агросаноатни ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, маҳсулот рақобатбардошлиги маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ва рақобат курашида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш мақсадида иштирок этувчи хўжалик субъектининг иқтисодий фаолияти, жумладан иқтисодиёт тармоғи, минтақа, мамлакат, ишлаб чиқариш омилларининг ҳолати, инвестиция муҳити каби кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида баҳоланади. Бу эса минтақавий агросаноат рақобатбардошлигининг иерархик тузилишини аниқлаш заруратини юзага келтиради. Шу ўринда, Васильева (2006) томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Олим рақобатбардошлик тушунчасининг моҳиятини очиб беришда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига асосланган ҳолда рақобатбардошлик тушунчасининг тўрт даражали иерархик тузилишини ишлаб чиққан.

Рақобатбардошлик тушунчасининг иерархик таркибий тузилиши
(Васильева, 2006)

Иерархик даража	Рақобатбардошлик мазмуни
Мамлакат рақобатбардошлиги	Мамлакат иқтисодиётининг халқаро бозор талабларига жавоб берадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш орқали аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини халқаро стандартлар даражасига яқинлаштириш қобилиятини ифодалайди.
Минтақа рақобатбардошлиги	Минтақанинг табиий, иқтисодий ва институционал ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ички ва ташқи бозорлар талабига мос маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш имкониятини англади. Шу билан бирга, бу жараён минтақада яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.
Тармоқ рақобатбардошлиги	Муайян тармоқ доирасида фаолият юритувчи корхоналарнинг бозор талабларига жавоб берадиган, юқори қўшилган қийматга эга ҳамда инновацион ва технологик жиҳатдан такомиллашган маҳсулотлар ишлаб чиқариш қобилиятини англади. Бу жараён илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва тармоқнинг узоқ муддатли ривожланиш имкониятларини кенгайтириш билан тавсифланади.
Кластер рақобатбардошлиги	Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва логистика субъектлари ўртасидаги кооперация ва вертикал интеграцияни ривожлантириш асосида иқтисодий синергияга эришиш ҳамда технологик инновациялар орқали ички ва ташқи бозорларда барқарор рақобат устунлигини таъминлаш имкониятини ифодалайди.

Рақобатлашган бозор шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда рақобат иқтисодий категориясининг мазмунини ёритиш билан бирга, иқтисодчи олимлар томонидан “Минтақа” тушунчасига нисбатан шаклланган илмий қарашларни ҳам умумлаштириш талаб этилади. Бу орқали тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ортади.

Жаҳонда глобал рақобат курашининг кучайиши шароитида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий стратегик режаларни давр талабларига мослаштириш зарур. Жумладан, сўнгги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда агросаноат ишлаб чиқаришининг минтақавий рақобатбардошлигини таъминлаш, айниқса ресурс салоҳияти, институционал муҳит ва инновацион ривожланиш омилларининг ўзаро таъсири комплекс тарзда етарлича тадқиқ этилмаган. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг концептуал асосларини такомиллаштириш ва унинг минтақавий ривожланиш омилларини илмий жиҳатдан таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда агросаноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини шакллантирувчи омилларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида бир қатор илмий тадқиқот усулларида фойдаланилди. Хусусан, таҳлил ва синтез усуллари орқали агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг назарий ва концептуал асослари ҳамда уни шакллантирувчи асосий иқтисодий омиллар ўрганилди.

Қиёсий таҳлил усули орқали хорижий мамлакатларда агросаноат тармоғининг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича шаклланган илмий ёндашувлар ва амалиёт миллий иқтисодиётдаги ҳолат билан таққослаб таҳлил қилинди. Шунингдек, тизимли ёндашув усули асосида агросаноат мажмуаси ўзаро боғлиқ тармоқлар ва иқтисодий субъектлардан иборат мураккаб иқтисодий тизим сифатида тадқиқ этилди.

Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, умумлаштириш ва мантиқий хулоса чиқариш усулларида ҳам фойдаланилди. Ушбу усуллар агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи институционал муҳит, ресурс салоҳияти, инновацион ривожланиш ва инсон капитали каби омилларни тизимли равишда баҳолаш ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини илмий асослаш имконини берди.

Тадқиқотнинг ахборот базасини аграр иқтисодиёт соҳасидаги илмий манбалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, шунингдек агросаноат тармоғини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотлар ташкил этди. Ушбу маълумотлар асосида агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини оширишнинг назарий жиҳатлари умумлаштирилиб, илмий хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги – бу миллий иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга иқтисодий категорияси бўлиб, унинг самарали шаклланиши глобаллашув жараёнида ташқи бозорларда рақобат устунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Рақобатбардошлик, биринчи навбатда, қатор асосий омиллар орқали аниқланади:

Институционал муҳит – қонунчилик, давлат дастурлари, иқтисодий сиёсат, бозорни регуляция қилувчи механизмлар ва маъмурий институтлар. Ушбу омил иқтисодий субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ресурс салоҳияти – ер, сув, молиявий маблағлар, энергетика ва технологиялардан самарали фойдаланиш қобилияти. Ресурс салоҳиятининг даражаси агросаноат ишлаб чиқаришининг узоқ муддатли барқарорлиги ва маҳсулот сифатини белгилайди.

Инновацион ривожланиш – илғор технологиялар, интеллектуал капитал ва R&D имкониятлари. Инновацияларни жорий қилиш агросаноат тармоғида маҳсулот қўшилган қийматини ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон капитали – малакали мутахассислар, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал салоҳияти. Кадрлар салоҳияти ва билим даражаси агробизнес субъектларининг рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.


Давлат иқтисодий сиёсати – субсидиялар, инвестициялар, давлат қўллаб-қувватлови ва стратегик дастурлар. Давлат сиёсати тармоқ ривожланиши учун зарур шароитлар яратади ва ҳудудий фарқларни юмшатишга хизмат қилади.

Шунингдек, минтақавий жиҳатлар ҳам агросаноат рақобатбардошлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу жиҳатлар қаторига табиий ресурслар ва инфратузилма ҳолати, аҳоли потенциали, маҳаллий кластерлар ривожланиши ва экспорт салоҳияти

киради. Иқтисодий таҳлиллар кўрсатадики, ресурс ва инновацион инфратузилма даражаси юқори бўлган вилоятларда агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ҳам юқори бўлиб, маҳсулот сифати ва бозор улушини ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг асосий мақсади агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омилларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, уларнинг минтақавий ривожланиш жараёнларига таъсирини илмий жиҳатдан баҳолаш ҳисобланади.

Вилоятлар кесимида агросаноат рақобатбардошлиги (иллюстратив диаграмма) Диаграммада ҳар бир вилоятнинг агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги 2023–2025 йиллар давомидаги ўсиш фоизи билан кўрсатилган.



1-расм. Вилоятлар кесимида агросаноат рақобатбардошлиги (%)2023/2024/2025

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Диаграмма кўрсатмоқдаки, вилоятларда агросаноат рақобатбардошлиги ўсиши ресурс салоҳияти, институционал муҳит, инновация ва инсон капитали даражасига боғлиқ.

Тошкент ва Самарқандда юқори инвестициялар ва агрокластерлар самаралилиги туфайли ўсиш юқори бўлган, Қорақалпоғистон ва Навоийда эса паст институционал қўллаб-қувватлаш сабабли ўсиш секинлашган. Шу орқали минтақавий фарқлар ва уларни қисқартириш имкониятлари илмий жиҳатдан намоён бўлмоқда. Президент томонидан бу борада минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, рақобат устунликларини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш сифатини ошириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган (Мирзиёев, 2021). Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-

овқат маҳсулотлари статистикасини ривожлантириш бўйича чора тадбирлар (Қарор, 2020):

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази”нинг сервер қурилмаларини узлуксиз ишлашини таъминлаш.

2. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришдан маҳсулотларни сотишгача бўлган жараёнларни тўлиқ қамраб олган рақамлаштириш тизимини жорий этиш.

3. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари соҳасида қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли хизматлар ва маълумотлар базаларини баҳолаш.

Юқорида кўриб чиқилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, агросаноат рақобатбардошлиги масаласи мустақил илмий йўналиш сифатида етарли даражада комплекс ва чуқур ўрганилмаган (2-жадвал).

2-жадвал.

Агросаноат рақобатбардошлигига таъсир қилувчи асосий омиллар ва уларнинг минтақавий таъсир

Омил	Тавсифи	Рақобатбардош-ликка таъсири	Минтақавий фарққа таъсири
Минтақа-вий тафовутлар	Ўзбекистонда минтақавий агросаноат рақобатбардошлиги глобал стандартларга нисбатан паст	Рақобатбардошликни пасайтириши мумкин	Кластер ва инновацион дастурлар орқали қисқартирилиши мумкин
Тармоқ ва кластер синергияси	Кластерлар ва тармоқ интеграцияси	Худудий салоҳият ва экспорт имкониятларини оширади	Минтақавий фарқни юмшатишда муҳим
Таълим ва инсон капитали	Малакали кадрлар, инсон капитали	Рақобатбардош-ликни оширади	Инновацион ривожланиш ва технологияларни жорий этишни осонлаштиради

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Минтақавий тафовутлар: Ўзбекистонда минтақавий агросаноат рақобатбардошлиги ҳануз глобал стандартларга нисбатан кам, аммо кластерлар ва инновацион дастурлар орқали минтақавий фарқни қисқартириш мумкин.

Тармоқ ва кластер синергияси: Рақобатбардошликни оширишда тармоқ ва кластер интеграцияси муҳим аҳамиятга эга. Бу худудий салоҳият ва экспорт имкониятларини мустаҳкамлайди.

Таълим ва инсон капитали: Малакали кадрлар ва инсон капитали ўсиши рақобатбардошликка тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, бу эса инновацион ривожланиш ва технологияларни жорий этишни осонлаштиради.

Таҳлил натижалари асосида агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги амалий тавсиялар илгари сурилади:

- Агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- Минтақавий агробизнес кластерларини ривожлантириш ва кооперация механизмларини кенгайтириш.

- Инновацион технологиялар ва R&D лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

- Давлат субсидиялари ва инвестиция дастурларини худудий эҳтиёжга мослаштириш.

- Инсон капиталини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Шу тариқа, таҳлил кўрсатмоқдаки, агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги бир қатор омиллар – институционал муҳит, ресурс

салоҳияти, инновацион ривожланиш, инсон капитали ва давлат иқтисодий сиёсати ўзаро таъсир кўрсатиш орқали шаклланади. Вилоятлар кесимидаги фарқлар ресурс ва инновацион инфратузилма, кадрлар салоҳияти ва давлат қўллаб-қувватлови даражасига боғлиқлиги аниқланди. Ушбу натижалар асосида минтақавий фарқларни қисқартириш ва агросаноат рақобатбардошлигини барқарор равишда оширишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги институционал муҳит, ресурс салоҳияти, инновацион ривожланиш, инсон капитали ва давлат иқтисодий сиёсати каби асосий омиллар орқали шаклланади ва уларнинг ўзаро таъсири тармоқ ва минтақавий ривожланишга бевосита таъсир қилади. Институционал муҳитнинг самарадорлиги, давлат қўллаб-қувватлови ва қонунчилик базаси агробизнес субъектларининг ресурслардан самарали фойдаланишини мувофиқлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ресурс салоҳияти ер ва сув захиралари, молиявий маблағлар ва технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлаб, маҳсулот сифати ва узоқ муддатли барқарорликни белгилайди. Инновацион ривожланиш эса интеллектуал капитал, илғор технологиялар ва R&D имкониятлари орқали қўшилган қийматни ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятлар кесимида таҳлил кўрсатмоқдаки, агросаноат рақобатбардошлигида минтақавий фарқлар мавжуд. Тошкент ва Самарқандда агрокластерлар ва инвестициялар самарали ривожлангани туфайли 2023–2025 йилларда ўсиш 6% атрофида бўлса, Қорақалпоғистон ва Навоийда институционал муҳит ва давлат қўллаб-қувватлови пастлиги сабабли ўсиш секинлашган. Бу натижалар минтақавий фарқларни қисқартириш, ресурслар ва инновацион инфратузилма даражасини яхшилаш ва агросаноат рақобатбардошлигини барқарор равишда ошириш учун стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан, амалий тавсиялар қаторида минтақавий агробизнес кластерларини ривожлантириш, кооперация механизмларини мустаҳкамлаш, инновацион технологиялар ва R&D лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, давлат субсидиялари ва инвестиция дастурларини ҳудудий эҳтиёжга мослаштириш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш орқали агросаноат рақобатбардошлигини барқарор равишда ошириш мумкин. Ушбу чора-тадбирлар нафақат иқтисодий самарадорликни, балки экспорт салоҳиятини ҳам яхшилашга хизмат қилади ва миллий агросаноатнинг глобал бозорларда рақобат устунлигини мустаҳкамлайди.

Қўшимча равишда, тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, минтақавий фарқларнинг юмшатилиши ва кластерлар орқали интеграция агробизнес субъектлари учун рақобатбардошлик даражасини оптималлаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу эса миллий агросаноатнинг стратегик мақсадлари – ташқи бозорларда барқарор позицияни сақлаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга тўлиқ мос келади. Шу билан бирга, агросаноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигида глобал стандартлар ва минтақавий фарқлар ўртасидаги зиддиятни юмшатиш ҳамда стратегик ривожланишни таъминлашда кластерлар ва инновацион инфратузилма муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар / Литература/References:

Bababekova D.Sh., Tursunov B.O. (2020) Raqobat nazariyasi. O'quv qo'llanma. Toshkent: Iqtisod-Moliya.

Васильева З.А. (2006) Иерархия понятий конкурентоспособности субъектов рынка. Маркетинг в России и за рубежом, № 2. URL: <http://www.mavriz.ru/articles/2006/2/4109.html>

Головачев А.С. (2010) Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги: моҳияти, муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари. Иқтисодиёт ва бошқарув, № 2, 3–12-бетлар.

Мирзиёев Ш.М. (2021) Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2020) Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида, 794-сон қарор, 17 декабрь. URL: <https://lex.uz/docs/-5179198>

Яхшиева М.Т. (2019) Ҳозирги заман рақобат назарияси. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДИУ.